



20 20 у « 5 » июнь

№ Қ-245

« ___ » 20 ___ г

Бойсун тумани “Сайроб” массиви худудидан “Қоракўлчилик маркази” ишлаб чиқариш кооперативига қоракўлчиликни ривожлантириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 апрелдаги 03/1-3535-сонли йиғилиш баёни ҳамда Қоракўл уюшмасининг 2020 йил 21 апрелдаги 07/3-5-сонли хатига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/222-сон йиғилиш баёни ва Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 24 апрелдаги 01-05/80-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/222-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бойсун тумани “Сайроб” массиви худудидаги “Бойсун” давлат ўрмон хўжалиги балансида бўлган жами 1795 гектар ўрмон билан қопланмаган яйлов ер майдонларини “Қоракўлчилик маркази” ишлаб чиқариш кооперативига қишлоқ хўжалик харитасининг 52, 51, 50, 49, 48, 47, 46, 45, 44, 43, 42, 41, 39, 38, 37, 36, 35, 34, 33, 32, 31, 30, 29, 28, 27, 26, 25, 24, 23, 22, 21, 19, 18, 17, 16, 14, 13, 12, 11, 10, 9, 8, 7, 6, 5, 4, 3, 2 ва 1қ-дала контурларидаги жами 1795 гектар, шундан 1715 гектар яйлов, 80 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари қоракўлчиликни ривожлантириш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бойсун тумани ҳокимлиги (А.Жўраев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов